

**БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ФОШ ЭТИШГА  
САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

*IV Akademiyasi 3 bosqich kursanti*

***Ergashev Abduqodir Ubaydulla o'g'li***

*IV Akademiyasi 3 bosqich kursanti*

***Tursunaliyev Dilmurod Oxunjon o'g'li***

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

---

\* ИИВ Академияси 3-ўқув курси 301-гуруҳ курсанти.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сонли [Фармони](#).

профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди<sup>2</sup>.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолатларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари фаолияти тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган 2017 йилнинг 15 ноябрь куни ўтказиладиган видеоселектор йиғилишида “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаганлиги, хусусан мулккий турдаги жиноятлар – 19 фоизга камайишига эришилган бўлса-да, аммо ушбу турдаги жиноятлар тўлиқ фош этилмаган” деган танқидий фикрларини билдирган эди<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5005-сонли [Фармони](#).

<sup>3</sup>Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

---

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишдаги ислохотлар ўз моҳиятига кўра инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга ушбу ислохотларни амалга оширишда ўзига хос бўлган салбий ҳолатлар юзага келади. Давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат эса айнан шу каби салбий ҳолатларнинг барчасини, яъни, у ножўя ҳаракат ёки жиноят бўладими, қатъий назар, уларга йўл қўймасликдан иборатдир.

Амалга оширилаётган ислохотлар заминида юзага келаётган салбий ҳолатларни очиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг вазифасидир. Шу жумладан ички ишлар органлари ҳам бу йўналишда маъсулиятли вазифа бажаради ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширади.

Маълумки, жиноятларни олдини олиш ва очиш ёки бартараф этиш билан шуғулланувчи ички ишлар органлари жиноят-қидирув йўналишидаги тезкор-қидирув бўлинмаларнинг фаолиятини такомиллаштириш муҳимдир. Чунки, жиноятларни содир этиш ва яшириш усуллари вақт ҳамда давр жараёнида ўзига хос кўринишларда намоён бўлиш қонунияти мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликка қарши кураш ишларини ташкил этишда биринчи галда, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишга салбий таъсир этувчи ҳолатларга илмий жиҳатдан баҳо бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ички ишлар органларининг барча хизмат соҳалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур ислохотлар амалга оширилди ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг меъёрий асослари яратилди.

Фуқароларни мулкий ҳуқуқларини ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ички ишлар органлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Айниқса, мулкка нисбатан қаратилган босқинчилик

жиноятларига қарши кураш муаммолари ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Ички ишлар вазирлиги томонидан жиноятчиликка қарши курашда ва айнан жиноятларни очишда тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ҳукумат томонидан қўйилаётган ушбу вазибаларни бажаришда эса, таъкидланганидек, биринчи галда мавжуд муаммоларни илмий таҳдил этиш зарур. Босқинчилик жиноятларини очиш фаолиятини амалга оширишда бу жиноятларни содир этилишига таъсир этувчи омилларни илмий-назарий жиҳатдан кўриб чиқишга ёндошиш орқали жиноятчиликка қарши кураш амалиётида юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал қилиш имконияти туғилади.

Жиноятни юзага келиши ва содир бўлиши, ўзига хос хусиятларга эга ва айнан бир тарздаги жиноятни содир бўлиши бир-биридан фарқланади. Яъни ҳар бир жиноятни содир этилиши биринчи галда, ижтимоий ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда кечади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, босқинчилик жинояти мулкий жиноятларнинг энг хавфли шаклидир. Бу эса унинг икки объектли жиноят эканлиги билан белгиланади, яъни мазкур жиноятнинг объекти: биринчидан, ўзгалар мулки бўлса, иккинчидан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғидир<sup>4</sup>.

Босқинчилик жиноятларини содир этишга жиноий гуруҳлар аввалдан пухта тайёргарлик кўради. Рус ҳуқуқшунос олимларидан В.Г.Камыш жиноий гуруҳларнинг босқинчилик жиноятига тайёргарлик кўриш босқичини уларнинг қуйидаги маълумотларни аниқлашидан иборат деб таъкидлаган, яъни жиноятни содир этиш учун аввал объектни белгилаб олиш ва уни синчковлик билан ўрганиш; хонадон соҳибининг ҳаётдаги

---

<sup>4</sup>Қаранг: М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмига Шарҳ. - Т., 2016. - 208-б.

мавқеи, кундалик фаолияти, унинг талон-тарож қилиниши мўлжалланаётган мулки, унинг сақланадиган жойларини аниқлаш; жиноятда иштирокчиларни аниқлаш; совуқ ёки ўқотар қурооларни тайёрлаш ёки сотиб олиш; объектга келиш ва кетиш йўналишларини аниқлаб олиш ва бошқа жиноятни пухта амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни аниқлаш. Аниқланган юқоридаги маълумотлардан жиноятчилар содир этиши кўзланаётган босқинчиликни режалаштиришда фойдаланадилар<sup>5</sup>.

Бугунги кун амалиётида босқинчилик жиноятини фош этишда салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларга эътибор қаратилиши лозим:

биринчидан, ички ишлар органлари фаолиятида босқинчилик жиноятларига қарши курашни талаб даражасида ташкил этилмаслиги ва куч ва воситалардан унумли фойдаланмаслик;

иккинчидан, босқинчилик жинояти содир этилганда ҳодиса содир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳининг дарҳол чиқмаслиги.

учинчидан, ҳодиса содир бўлган жойда тезкор-қидирув тадбирларини бажарилишида махсус техника, услуб ва воситалардан юқори касб даражасида фойдаланмаслик;

тўртинчидан, ҳодиса содир бўлган жойда далилларни топиш ва таҳлил қилишда керакли мутахассисларни жалб этилмаслиги;

бешинчидан, босқинчилик жиноятини содир этиши мумкин бўлган шахсларни етарли даражада назорат қилинмаслиги;

олтинчидан, ички ишлар органларининг жиноят-қидирув бўлинмаларида ва ахборот марказларида зарур маълумотлар ҳамда криминалистик ҳсоб ишларини талаб даражасида юритилмаслиги;

---

<sup>5</sup>Қаранг: В.Г.Камыш Раскрытые разбойных нападений на квартиры и домовладения граждан. Организация и оперативная розыскная тактика. - Минск, 1991. - 6-б.

еттинчидан, босқинчилик жиноятларини содир этишга “ихтисослашган” жиной гуруҳларни ўз вақтида аниқланмаслиги ва фoš этилмаслиги;

саккизинчидан, жинойт-қидирув хизматлари ва бошқа хизмат соҳалари ўртасидаги доимий равишда ёзишмалар йиғма жилдлари юритишни йўлга қўйилмаслиги ҳам босқинчилик жиноятларини очишда салбий ҳолатларни юзага келтиради.

Табийки, ушбу салбий омилларни бартараф этиш ва энг асосийси илмий-назарий жиҳатдан ёндошган ҳолда муаммоларни ҳал этиш, босқинчилик жиноятларини фoš этишда катта самара беради.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан босқинчилик жиноятларини фoš этиш учун қўйидаги тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, босқинчилик жиноятларини фoš этишда соҳавий хизматлар билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш;

иккинчидан, босқинчилик жиноятларини фoš этишда махсус ишларни йўриқнома талаблари асосида сифатли ташкил этиш;

учинчидан, босқинчилик жиноятларини фoš этишда тезкор-техник воситалардан унумли фойдаланиш.

Кўриниб турибдики, ўрганишларимиз натижасида юзага келган хулосалар босқинчилик жиноятларини фoš этишда муҳим тавсия бўлиши мумкин. Шу билан бирга тезкор-қидирув тадбирларни амалий фаолиятда қўллаш учун жинойт-қидирув бўлинмалари ходимлари юқори касб малакасига эга бўлиш лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак босқинчилик жиноятларига қарши курашиш учун юқорида келтирилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек тезкор ходимларни касбий маҳоратини ошириш борасида ўз устида ишлаши талаб этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сонли [Фармони](#).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5005-сонли [Фармони](#).

3. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жинойтчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: [www. uza.uz](http://www. uza.uz).

4. М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмига Шарҳ. - Т., 2016. - 208-б.

5. В.Г.Камыш Раскрытые разбойных нападений на квартиры и домовладения граждан. Организация и оперативная розыскная тактика. - Минск, 1991. - 6-б